13-14 (447-448)
2005 йил 6 апрель
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
▶ Амир Темур: "Ҳақгўй бўлсанг, нажот топасан!.."
▶ Табиатга дўстмиз(ми?)!

3
▶ Кўнгли яримларнинг бахтига саховати бутунлар омон бўлсин!
▶ Одамларга оғу улашган аёллар...

4
▶ Саховатга ўхшамаган саховат
▶ Фирибгар "профессор"нинг сири фош бўлди!

САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

ДЕҲЛИ, 5 апрель. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади). Ҳиндистон Республикасига давлат ташрифи билан келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни Деҳли марказидаги «Раштрапати Бхаван» майдонида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Икки давлат байроқлари кўтарилиб, мадҳиялари янгради. Ислом Каримов шарафига фахрий қоровул саф тортди.

Давлатимиз раҳбари ҳинд халқи мустақиллигининг асосчиси Маҳатма Ганди хотирасига бунёд этилган ёдгорлик мажмуига ташриф буюриб, унинг ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президент Ислом Каримов «Ҳайдаробод саройи»да Ҳиндистон Бош вазири Манмохан Сингх билан учрашди. Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга оид масалалар, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар муҳокама этилди.

Ислом Каримов ва Манмохан Сингх раҳбарлигидаги Ўзбекистон ва Ҳиндистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари диққат марказида бўлди. Томонлар ўзаро алоқаларнинг бугунги аҳволини таҳлил этиб, истиқболдаги устувор йўналишларни белгилаб олди. Ҳамкорликнинг янги имкониятлари кўриб чиқилиб, икки томонлама манфаатли, самарали соҳаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида Қўшма баёнот қабул қилинди. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, таълим, маданият соҳаларида ҳамкорлик бўйича ҳужжатлар имзоланди. Шунингдек, мудофаа вазирликлари, савдо-саноат палаталари, банклар, ташқи иқтисодий алоқаларни мувофиқлаштирувчи ва сайёҳлик ташкилотлари ҳамда қатор олий ўқув юртлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатларга имзо чекилди.

Президент Ислом Каримов «Раштрапати Бхаван» қароргоҳида Ҳиндистон Президенти Абдул Қалам билан учрашди. Ўзбекистон ва Ҳиндистон раҳбарлари икки томонлама муносабатларга доир масалаларни муҳокама этдилар.

Давлатимиз раҳбари ўзи учун ажратилган «Тож Маҳал» қароргоҳида Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Натвар Сингхни қабул қилди. Учрашувда мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлигига, халқаро ва минтақавий муаммоларга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ислом Каримов Ҳиндистон мудофаа вазири Пранаб Мукержини қабул қилди. Суҳбатда ўзаро ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, аксилтеррор ҳаракатлар юзасидан тажриба ва ахборот алмашиш масалаларига эътибор қаратилди.

Президентимизнинг Ҳиндистон савдо ва саноат вазири Камол Нат билан мулоқотида эса мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, қўшма лойиҳалар тайёрлаш ва амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилди.

Ислом Каримов Ҳиндистон вице-президенти Бхайрон Сингх Шекхават билан ҳам учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг сиёсий соҳадаги ҳамкорлигига, парламентлараро алоқаларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ҳиндистон Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

ХАЙРУЛЛАНИНГ ОРЗУСИ УШАЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 4 мартдаги «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорига мувофиқ жойларда Ватан ҳимоясига отланган йигитларни ҳарбийга кузатиш маросимлари давом этмоқда.

Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси чақирув йиғин пунктида ҳам ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Унда ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ҳамда чақирилувчиларнинг отаоналари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини юксалтириш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидладилар.

— Эркин кураш бўйича спорт устаси эканлигим синовлардан муваффақиятли ўтишимда жуда қўл келди, — дейди паркентлик Хайрулла Султонов. — Чегара қўшинлари сафида хизмат қилишдек энг катта орзуимга етадиган бўлдим.

Х.САЛИМОВ,
ЎзА мухбири

Қарор: "Экинларни пайҳон қилишга қарши кураш чораларини кучайтириш тўғрисида" ВА Ижро: РИЗҚИМИЗНИ ЭЪЗОЗЛАЙЛИК

Самарқанд вилояти

Мазкур қарорда жойларда қишлоқ хўжалиги экинларини пайҳон қилишга қарши кўрилаётган кураш чоралари яхши самара бермаётганлиги ва натижада экинларни пайҳон қилиш ҳоллари ҳамон учраётгани, бу эса ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилининг исроф бўлишига сабаб бўлаётгани таъкидланган ҳамда ана шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш мақсадида тегишли идоралар раҳбарлари маъсулиятини кучайтиришга қаратилган вазифалар белгиланган эди.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш борасида бугун жойларда қизғин иш олиб борилаяпти. Хусусан, пайҳон қилиш ҳоллари кўп учрайдиган жойларда ердан фойдаланувчиларни жалб қилган ҳолда кузатув постлари ташкил этилаяпти, дала қоравуллари ишининг самарадорлиги оширилаяпти.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу салбий ҳолатларга барҳам беришда маҳалла оқсоқоллари, фаолларнинг ҳам кўмаги катта бўлаяпти. Қолаверса, бу жараёнда ер эгалари бўлган фермер ва деҳқонлар ўзлари фойдаланаётган экин ерларни турли тўсиқлар билан ўраш, чорва молларининг экинларини пайҳон қилиши ҳоллари кузатилганда уларни аниқлаб, турли чора-тадбирлар кўриш ишларига бош-қош.

Жомбой туманидаги Улуғбек номли ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган Қўрғон-саломон маҳалласида яшаб келаётган фермер Аблаёр Ҳамроев ҳам Президентимизнинг мазкур қарори ижросини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшаяпти. Аблаёр бу йил 38 гектар ерга ғалла эккан. Фермер ана шу экин майдонининг ҳар гектаридан 55 центнердан ҳосил олишни мўлжалламоқда.

СУРАТДА: фермер Аблаёр Ҳамроев (ўнгдан) ва сувчи Раҳмон Жалилов экин майдони атрофига ўрнатилган тўсиқларни кўздан кечираяптилар.

Нурмамат АЛМУРОДОВ
олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 5 мартдаги «Экинларни пайҳон қилишга қарши кураш чораларини кучайтириш тўғрисида»ги қарорида ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига пайҳон ва нобудгарчиликнинг олдини олиш борасида долзарб вазифалар юкланган.

БИР ЯРИМ МИНГ ТОННАЛИК РИЗҚ

Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги матбуот хизматидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, айни пайтда экин майдонларида етти мингга яқин кузатув пости ташкил этилган. Экинлар пайҳон қилинишига қарши олиб борилаётган тадбирларга ички ишлар идораларининг тўрт мингдан зиёд ходими ва 23 мингдан ортиқ дала қоровули жалб қилинган.

Айни пайтда, экинларни пайҳон қилиш ҳолларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар ходимлари билан бирга мунтазам қўшма рейдлар ўтказиляпти.

Натижада экинларни пайҳон қилиш билан боғлиқ саккиз юзга яқин ҳолат аниқланди. Ачинарлиси, бундай ҳолатлар оқибатида республика бўйича икки юз гектарга яқин майдондаги ғалла нобуд қилинган. Бу қарийб 1500 тонна буғдой бой берилди дегани. Шунча буғдой чоғроқ маҳалла аҳолисининг бир йиллик эҳтиёжини қондиришини ҳисобга олсак, пайҳонга йўл қўйилиши билан асло келишиб бўлмаслиги янада ойдинлашади.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

"Mahalla" хабарлари

"СИҲАТ-САЛОМАТЛИК" ВА "ЗИЁКОРЛАР БОҒИ"

Яккабоғ шаҳридаги 2-шифохона ҳамда туғруқхона қаршисидаги 2 гектарлик очиқ майдонда "Сиҳат-саломатлик" боғи ташкил этилди. Экилган мевали ва игнабаргли дарахтлар, гул кўчатлари ям-яшил барг ёзиб, қуёш нурида товланиб ҳозирданоқ кишилар кўнглига қувонч бағишламоқда.

Эндиликда боғ билан туташиб кетган тепалик устига сув чиқариб фаввора қуриш, ўриндиқлар ўрнатиб атрофдаги қишлоқ ва маҳаллалар аҳолисининг дам олиши учун шароит яратиш тараддуди кўрилмоқда.

Қарши шаҳридаги "Истиқлол" маҳалласида эса вилоят халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан "Зиёкор" боғи барпо қилинди. Бу ерда 2000 туп қарағай ва сарв дарахтлари, юзлаб гул кўчатлари ўтказилди. Уларнинг парвариши ҳам ўқитувчиларнинг доимий эътиборида бўлди.

— Мақсадимиз Қаршининг 2700 йиллик юбилейига муносиб совға тайёрлаш ҳамда жонажон шаҳримизнинг янада чирой очишига муносиб ҳисса қўшишдир, — дейди вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Ш.Турсунов. — Бундай боғ ва кўнгилочар хиёбонларни барча шаҳар ва туманларда ташкил этиш ниятидамиз.

Э. ҚУРБОНОВ

Бухоро вилояти

МАҲАЛЛАНИНГ МАБЛАҒИ

Бухорода шу мавзуда семинар — тренинг бўлди

Яқинда Бухоро шаҳридаги "Варахша" меҳмонхонасининг мажлислар залида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ҳамда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги маркази ташаббуси билан "Маҳалла: тадбиркорликни ривожлантириш ва атроф-муҳит масалалари" мавзуида икки кунлик семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Унда "Маҳалла" жамғармаси шаҳар ва туманлар бўлинмалари, ўзини ўзи бошқариш органларининг раҳбарлари, тадбиркорлик, ҳунармандчилик соҳаси вакиллари иштирок этдилар.

"Маҳалла" жамғармаси Республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Н.Абдуллаев, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент маркази масъул ходими Н.Худойбергановлар "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойиллари ва маҳаллада тадбиркорлик", "Бизнесни ташкил этишнинг ҳуқуқий жиҳатлари", "Маҳалла ва экологик ҳимоя", "Маҳаллада экологик муаммоларни тадбиркорлик йўли билан мусаффолаштириш йўлларини топиш" сингари мавзуларда маърузалар ўқилди.

— Маҳалланинг айланма маблағи бўлиши керакми? Хўш, буни қандай ташкил қилиш мумкин?

Семинар-тренинг ана шундай баҳс-мунозалар руҳида ўтди.

Дилмурод ЖАББОР,
"Mahalla" мухбири.

Фарғона вилояти

Сиҳат-саломатлик йили ташаббуси

БУЗРУККЎРҒОНДА БУЗРУКГУЗАР

Ўзбекистон туманидаги Бузруккўрғон маҳалласида янги гузар қуриб фойдаланишга топширилди. Уни шу маҳаллада туғилиб ўсган, ҳозирги пайтда Фарғона шаҳридаги II Тошкент тиббиёт олийгоҳи проректори бўлиб ишлаётган, тиббиёт фанлари доктори Ғайратжон Раимов ўз маблағи ҳисобидан қуриб берди.

Гузардан маҳалла идораси билан бир қаторда тиббий хизмат кўрсатиш, озиқ-овқат дўкони хоналари ҳам ўрин олган. Улар ёнидаги чойхона, радио-телевизор тузатиш, сартарошхона, тикувчилик, косибчилик ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари хоналари тадбиркор Солижон Тожиматов маблағи ҳисобидан бунёд этилди. Шу билан бирга қурилиш ишларининг тез суратда якунланишига маҳалла аҳли ва Собиржон Тўйчиев, Абдуғаффор Маматқулов, Толибжон Йўлдошев, Муҳсинжон Саидахмедов, Илҳомжон Мамажонов, Толибжон Раҳмонов, Акромжон Йўлдошев сингари тадбиркор ва қурувчилар яқиндан ёрдам бердилар.

Ташаббускор ва тадбиркор йигит Тўлқинжон Отажонов раислик қилаётган ушбу маҳаллада 613 та оила бўлиб, 2500 га яқин фуқаро яшайди. Маҳаллада ҳамма қулайликлар мавжуд. Газ, электр, сув таъминотидан аҳоли нолимайди. Мактаб ва болалар боғчаси ишлаб турибди. Тиббий хизмат ва милиция таянч пункти фаолиятидан аҳоли миннатдор.

Энди эса бузруккўрғонликлар маҳаллада бунёд этилган замонавий гузар хизматидан баҳраманд бўлиш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Бугуннинг гапи

Тошкент шаҳри

МАСЛАҲАТЧИ МАСЪУЛИЯТИ

уни қай даражада англаб, қай даражада адо этмоқдамиз?

Ҳеч кимга сир эмаски, бугунги кунда маҳалла тизими ходимлари, айниқса, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар зиммасига масъулиятли талаблар юкланиши баробарида, бу ходимларнинг ҳар жиҳатдан фаолият имкониятларини кенгайтириш, ваколатларини оширишга ҳам шароитлар яратилмоқда.

Маҳалла хотин-қизлари ўртасида маънавий-ахлоқий қадриятларни тарғиб қилиш, ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этишга эришиш, миллий-анъанавий ва диний маросимлар, расм-русумларни ўтказишда обрў-эътиборга эга бўлган аёллар имкониятидан фойдаланиш, ҳудудда маънавий соғлом муҳит яратиш, турли диний экстремистик оқимлар таъсиридан аҳолини ва ёшларни асраш маслаҳатчилар олдида турган устувор вазифалардир.

Назаримда, маслаҳатчи фаолиятида энг муҳими, бу лавозим масъулиятини ҳис этиш билан бирга оғирликни ўз зиммасига олган ҳолда ишлаш истагининг мавжудлиги. У энг аввало, одамлар қалбига йўл топадиган, зукко маслаҳатгўй бўладиган, вақти келса заҳмат чекиб, оромидан кечадиган, бошқалар дардини ўз дарди деб ҳис қила оладиган, сўзамол, ҳуқуқий саводхон шахс бўлмоғи лозим. У ўзига ҳамфикр, маслакдош фаолларни ўз атрофига жипслаштира олса, иш осон ва унумли бўлади. Биттагина маслаҳатчининг ўзи жисман ҳам, руҳан ҳам бутун фаолият қирраларини қамраб ололмайди. Оилаларга яқиндан кириб бориш, улар муаммолари, дардларини тинглай олиш, энг аввало, одамлар ишончини қозона олиш катта самара беради. Одамлар турли хил. Кимдир дардини дарровгина ошкор қилади, кимдир буни бировларга айтишни ор билади, оиласи шаънини ўйлайди. Кимдир ғайрат-шижоатли бўлса-да, қонуний йўл-йўриқни билмаслиги туфайлигина вазиятдан чиқиб кета олмайди. Энг ачинарлиси, бундай ҳолатларда оила мустаҳкамлиги хавф остида қолади. Иложи борича оилаларни барбод бўлишдан сақлаш айни кунда деярли ҳар бир маҳалла йиғини олдида кўндаланг турган масаладир. Аслида эркакми, аёлми иймон-эътиқоди бут, сабр-тоқатли бўлса ўз оиласи мустаҳкамлиги учун курашади, ҳар қандай қийинчиликни сабр-тоқат билан енгади. Лекин ёшларимиз ҳали турмушнинг аччиқ-чучугини тотимагани, тажрибасизлиги, устига-устак қизиққонлиги туфайли ажралишлар юз бериб туради. Айнан ана шу йўналишда маслаҳатчиларнинг фаолияти катта самара бериши мумкин.

Биз тарғибот ишларини кўпроқ ёшлар орасида олиб бормоғимиз лозим. Уларни миллий қадриятларимиз, урф-одатларни ҳурмат қилишга, табиатни, муқаддас замин — Ватанни, китобни севишга ўргатайлик, токи қалбларида эзгулик уруғи ниш очсин, бефарқ, лоқайд бўлишни ўзларига ор деб билсинлар. Элимиз фарзандларини мард, жасур, шижоатли қилиб тарбиялайлик. Ана шундагина биз уларни турли хил диний экстремистик гуруҳларга қўшилишидан, турли тубанлик ва қабиҳликларга қўл уришдан сақлаб қолган бўламиз.

Бу мақсадларга эришишда маслаҳатчилар учун ташкил этилаётган турли семинарлар, ўқув машғулотларининг самараси каттадир. Назаримда, шу семинарлар сайёр тарзда ўтказилса, кўпроқ тренинглар ташкил этилса, иш фаолияти намунали йўлга қўйилган маслаҳатчиларнинг тажрибаси оммалаштирилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Гулчеҳра КАРИМОВА,
Юнусобод туманидаги Оқтепа маҳалласи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.

Тошкент вилояти

Янгийўл туманидаги Ойбек номли маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Т.Хасанбоева (ўнгдан тўртинчи) фаолиятининг ҳам ибратга арзигулик жиҳатлари кўп.

Mahalla

— Яна нима дейди?

— Маслаҳатчидан маслаҳат олинг, — дейди.

Азиз маҳалладошлар! Тизимда янгидан жорий этилган маслаҳатчи лавозими ишини тўғри йўлга қўйиш, бу лавозим самарадорлигини ошириш йўлида сиз қандай фикрдасиз? Мактубларингизни кутамиз.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **060** рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи:148

Хомий:
«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили:
Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

« **M.R**» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА ҲАМ ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. 2005 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ТАИЛАНДДАГИ ҚЎПОРУВЧИЛИК

Таиланднинг Хатъяй ва Наратхиват шаҳарларида қўпорувчилик содир этилди. РАТА-ТАСС хабарларига қараганда, ўн дақиқа ичида шаҳарнинг турли ҳудудларидаги меҳмонхона, аэропорт ҳамда йирик савдо маркази ёнида портловчи мосламалар ҳаракатга келтирилган. Натижада бир неча киши қурбон бўлди, эллиқдан ортиғи оғир жароҳатланди.

Таиланд ҳуқуқ-тартибот идораларининг фикрича, ушбу террорчилик мамлакат жанубидаги айирмачи гуруҳлар томонидан амалга оширилган бўлиши мумкин.

Айни пайтда мамлакатда хавфсизлик чоралари кучайтирилган. Хатъяй ва Наратхиват шаҳарларида хавфсизликни таъминлашга полициядан ташқари, ҳарбийлар ҳам жалб этилган. Улар аэропорт, темир йўл бекатлари, элчихоналар ва бошқа муҳим биноларни назорат қилмоқда.

Ҳукумат вакиллари пойтахт Бангкокда ҳам террорчилик ҳаракати содир этилиш эҳтимоли борлигини маълум қилган. Шу боис Таиланд мудофаа вазири Тхаммарак Итсарангкун пойтахт аҳолисини ҳушёрликка чақириб, ҳунрезликнинг олдини олишда фуқароларнинг огоҳлиги муҳим эканини таъкидлади.

Ўтган йили ҳам Таиланд жанубидаги учта вилоятда айирмачи гуруҳлар томонидан тэррорчилик ҳаракати амалга оширилган эди. Ушанда 600 киши қурбон бўлганди.

Акмал НАЗАРОВ, ЎзА шарҳловчиси.

9 апрель — Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун

АМИР ТЕМУР ШАҲСИ

ЮНЕСКО қарори билан 1996 йилнинг Амир Темур йили деб эълон қилиниши муносабати билан Соҳибқиронинг шахси, унинг Ўрта Осиё, қолаверса, жаҳон халқлари тарихида тутган ўрнига баҳо беришда тарихий ҳақиқат асосида, инсоф ва иймон билан ёндошув яққол кўзга ташланди. Гап шундаки, юртимизда Амир Темурнинг жаҳон халқлари, хусусан, ўзбек халқи тарихида тутган ўрни ва роли ҳақида бор тарихий ҳақиқатлар асосида битилган асарлар истиқлол шарофати билан эндигина дунё юзини кўрмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарорида қайд этилганидек, жаҳон тарихидаги буюк сиймолардан бири, Марказий Осиё халқларининг иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётига улкан ҳисса қўшган улуғ давлат арбоби ва саркарда, фан ва маданият ҳомийсининг таваллуд кунларини нишонлаш энг оғир дамларда ҳам буюк боболари руҳини унутмай келаётган мард ва жафокаш халқимиз кўнглини фахр-ифтихор туйғуларига тўлдиради.

Ибн Арабшоҳ ўз асарида ёзишича, **"Темур тамғасининг нақши "Рости-расти" бўлиб, "Ҳақгўй бўлсанг, нажот топасан" демакдир".** У яна шундай таъриф берган: **"Темур қўрқмас, шижоатли, ботир, кишиларни итоат қилдирувчи бўлиб, жасоратли одамларни, довюрак кишиларни ёқтирар эди. У бировдан бирон гап эшитганда, далил-исбот талаб қиладиган, зимдан қараш ва кўз ишораларини сезадиган идрокли одам эди. У ўта синчков ва ҳар бир ишоратдан огоҳ киши бўлиб, юз бергувчи барча ишни олдиндан кўриб билиб турар эди. Унинг назаридан алдовчининг алдови яширин қолмас, фирибгарнинг фириби ўтмас эди. Фаросати бирлан ҳақгўй ва ёлғончини ажратар эди. Зийраклик тажрибаси бирлан чин насиҳатгўйдан сохта насиҳатгўйни идрок этар, ўз фикри бирлан сал бўлмаса учар юлдузни тўғри йўлга бошқарар, фаросати, мулоҳазаси бирлан ҳар бир бехато сайёра ўқини ўз орқасидан эргаштира олар эди. Темур олимларга меҳрибон, саййиду шарифларни ўзига яқин тутарди. Уламо ва фузалога тўла иззат-ҳурмат кўрсатиб, уларни ҳар қандай одамдан тамом муқаддам кўрарди. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, иззату икромини унга изҳор қиларди..."**

Машҳур муаррихлар Ҳофизи Абру (1430 йилда вафот этган), Абдураззоқ Самарқандий (1413-1482) ҳам соҳибқиронинг фалсафа, фалакиёт ва табобат илмларидан яхши хабардор эканлиги ҳақида маълумотлар келтирганлар.

Алишер Навоий (1441-1501) эса "Мажолис ун-нафоис" асарида шундай ёзади: **"Темур Кўраго-ний... агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хўб маҳол ва мавқеъда ўқибдурларким, анингдек бир байт ўқиғони минг яхши байт айтмоқча бор".**

Амир Темурнинг таъби назми борлигига "Темур тузуклари"да ҳам ишорат бор. **"Мен,**—деб ҳикоя қилади Темур, — **жангу жадалга ҳозирлана бошладим. Мен бирлан ҳаммаси бўлиб икки юз отлиқ аскар бор эрди. Амир Ҳусайн қўшининнинг фавжи дараги кириб келгунча сабр қилиб турдим... Амир Ҳусайнга ушбу туркий байтни ёзиб юбордим:"**

Ёрга еткур, сабо, ким макр қилмишдур манга,
Қилди эрса кимга макрин, қайтадур бир кун анга.

Таржимаси:

Кимки менга келиб қўшилса улуғланади,
Кимки мен билан курашмоқчи бўлса йиқилади.

Шарофиддин Али Яздийнинг қайд этишича, Амир Темурнинг характерли хусусиятларидан бири — давлат, мамлакат ва фуқаро тўғрисида ғамхўрлик бўлган.

Халқимиз бошидан кечирган мустамлакачилик йилларида Темур ва темурийлар даври умуман сохталаштирилган бўлиб, Темур шахси ёвузликда айбланди. Президентимиз Ислом Каримов алоҳида кўрсатиб ўтганларидек, **"Бунга ҳеч қандай мантиқий асос йўқлигини исботлаб бериш қийин эмас. Не-не мадрасаю масжидлар, олий кошоналар қурган, не-не олиму фузалоларнинг бошини силаган, Қуръони Каримни ёд билган инсон ёвуз бўлмайди. Қонхўр одам "Куч — адолатда" дейиши мумкинми?"**

Амир Темур даври тадқиқоти шуни яққол ифодалайдики, у мамлакатда кўп йиллардан буён давом этиб келаётган феодал таркоқликка барҳам берди, мамлакат ва халқни мўғул истилочилари зулмидан халос этди ва қудратли марказий давлатга асос солди.

Амир Темур ўзининг ҳукмронлик даврида мамлакат ободончилигига, илм-фан ва маданият тараққиётига улкан ҳисса қўшди. Хусусан, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Ясси ва бошқа шаҳарларни қайта қуриш ва обод этишга алоҳида эътибор берди. У Самарқанд қалъасини бунёд этди. Шаҳар 8 метр баландликдаги девор билан ўраб олинди. Унинг амри ва раҳбарлиги остида Шоҳи зиндада катта таъмирлаш ва қурилиш ишлари олиб борилди. Шаҳар марказида Руҳобод ва Гўри Амир мақбаралари, Кўксарой, Бўстонсарой ва Бибихоним жомеъ масжидлари қад кўтарди. Янги кўчаларнинг икки тарафига турли моллар ишлаб чиқарувчи ва улар билан савдо қилувчи икки қаватли чиройли дўконлар қурилди. Самарқанд теварагида бунёд этилган Миср, Дамашқ, Бағдод, Шероз, Султония деб аталган шаҳарчалар ва Боғи шимол, Боғи беҳишт, Боғи давлатобод, Боғи чинор, Боғи дилкушо каби ажойиб чорбоғлар бунёдкор Амир Темур номи билан боғлиқдир. Шаҳрисабз ҳам Амир Темур даврида беқиёс даражада обод бўлган. Масжид, карвонсарой ва ҳаммом каби жамоат бинолари ҳам қад кўтарди. Буларнинг ичида маҳобатли Оқсарой қасри алоҳида ўрин тутади. Тарихчи олим, академик Бўрибой Аҳмедов илмий анжуманлардан бирида бир мисол устида тўхталиб ўтган эди: Илак дарёси (Ҳозирги Оҳангарон сойи)нинг Сирдарёга қуйиладиган жойида Шарқия деб юритиладиган бир тепалик бор. Бу тепалик аслида қадимги Бинокор шаҳрининг ўрни. Уни 1219 йили Чингизхон аскарлари вайрон қилиб ташлаганлар. Амир Темур фармони билан бу шаҳар 1388 йилда қайтадан бунёд қилиниб, унга кенжа ўғли амирзода Шоҳруҳнинг номи берилиб Шоҳруҳия деб аталади. Шуниси ажабланарлики, Эрон шоҳи Кир, македониялик босқинчи Искандар Зулқарнайн босиб олган жойлардаги мавжуд бўлган шаҳарларни "Киропол", "Александрия" деб атаб ўз номларини гўё абадийлаштиришга ҳаракат қилган бўлсалар, Амир Темур қанчадан-қанча масжиду мадрасалар, қасрлар, боғ-роғлар, наҳрлар ва шаҳарлар қурдирганлигига қарамасдан уларнинг биронтасига ўзининг номини қўймапти!

Амир Темур даврида халқ амалий санъати хусусан, бадиий ўймакорлик, заргарлик, зардўзлик ҳам ривожланди. Уй-рўзғор буюмларини ясаш эса санъат даражасига кўтарилди. Самарқандда ўзига хос тасвирий санъат мактаби дунёга келди. Амир Темур эл-юрт ободончилиги, илм-фан ва маданият равнақи учун ҳеч нарсани аямади.

Амир Темур Ватани ва халқини бутун дунё олдида улуғлади. Туркистон заминини Испания, Италия, Франция, Англия, Русия, Хитой каби давлатлар таниди ва тан олди.

Турғун ТОШПЎЛАТОВ, Эшқобил ХОЛИҚОВ.

Ҳоким ва фуқаролар йиғини

МЕҲНАТ ВА САХОВАТ МАҲСУЛИ

Сурхондарё вилояти

Сариосиё тумани вилоятнинг шимолий ҳудудида жойлашган. Асосан, тоғолди зонасидан иборат бўлган ушбу туманнинг ташкил этилганига келгуси йил 80 йил тўлади. Бу ерда қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқлари — пахтачилик, ғаллакорлик, чорвачилик билан бир қаторда, кейинги йилларда саноат, қурилиш, транспорт, ишлаб чиқариш соҳалари ҳам тараққий этиб бормоқда. Аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, ҳаётини фаровон этишда тумандаги мавжуд битта шаҳарча, тўққизта қишлоқ ва 58 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг фаолияти диққатга сазовор. Мухбиримизнинг туман ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Парда МАЪДИЕВ билан қилган суҳбати бевосита ана шу масалалар билан боғлиқ бўлди.

— Айни пайтда туманда 150 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 70 мингга яқини меҳнатга лаёқатли инсонлар. Биз аввало аҳолининг ана шу қисмини тўлиқ иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратамиз. Сариосиё аҳли тумандаги 13 та саноат, 14 та қурилиш, 4 та транспорт корхоналарида, 7 та савдо ҳамда 920 тадан зиёд турли хўжалик юритувчи субъектларда фаолият кўрсатмоқда.

Туманда қисқа муддатда аҳолининг 70 фоизга яқини табиий газ, 95 фоизи ичимлик суви билан таъминланди. Хусусан, ўтган йилларда Янгиқишлоқ ва Кўлмазор маҳаллаларига қарашли Жонбахт, Полпоя, Кичиккўл аҳоли пунктларига 3,8 км, Бўстон қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Галабўтта қишлоғига 2,6 км узунликдаги табиий газ қувурлари тортилди.

Бугун мамлакатимизнинг барча гўшаларида, маҳаллаларида бунёдкорлик ишлари авжида, жойларда кўркам бинолар, замонавий иншоотлар қурилаяпти. Туманимизда ҳам ўтган йилда бу борада қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Сариосиё қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Эркин, Сариосиё шаҳарча фуқаролар йиғинидаги М.Улуғбек, Тоқчиён қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Янгиқишлоқ маҳаллалари ҳамда Шарғун шаҳридаги Шахтёрлар кўчасида замонавий типдаги маҳалла гузарлари бунёд этилди. Айтиш жоизки, халқ манфаатига хизмат қиладиган бундай иншоотлар қурилишида саховатпеша тадбиркорлар, фермер хўжаликлари раҳбарлари, ҳомий ташкилотларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Тумандаги мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, ўрта махсус билим юртлари аҳволини яхшилаш, улардаги ўқитиш тизимини такомиллаштириш, ўқитувчи мутахассисларнинг малакасини ошириш масаласи доимо диққат марказимизда. Бундай таълим масканларининг ҳар бирига ҳомий ташкилотлар бириктирилган. Уларнинг кўмагида ушбу муассасаларни ўқув жиҳозлари ва адабиётлар билан таъминлаш, замонавий синфхоналар ташкил этиш ҳамда таъмирлаш ишлари йўлга қўйилаётир.

"Сўфиён", Охунбобоев, Бобур номли ширкат хўжаликларининг маблағлари ҳисобидан ушбу хўжаликлар ҳудудида жойлашган маҳаллаларда янги мактаб бинолари қуриб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Ҳуфар қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Янгиҳаёт маҳалласида давлат бюджети маблағи асосида замонавий спорт мажмуи бунёд этилди.

Сариосиёда эл ишига камарбаста, хайрли ишларни амалга оширишга иштиёқманд инсонлар кўп, давраси кенг.

Дарвоқе, яқинда юртимиз бўйлаб ўтказилган умумхалқ ҳашарида туманиз аҳли ҳам фаол қатнашди. Кўча ва хиёбонлар тозаланиб, маҳалла ва қишлоқларда кенг миқёсдаги ободончилик ва кўкламзорлаштириш ишлари бажарилди. Муҳтожларга меҳр-мурувват кўрсатилди.

Айни пайтда сариосиёликлар баҳорий кайфият, яратувчанлик руҳида янги-янги мақсадлар, юксак марраларни забт этиш учун ҳозирлик ишлари билан банд.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Тошкент вилояти

ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ

уни таъминлашда ҳам кўникма зарур

Бизнинг республикамиз ер силкиниши, сел ва сув тошқинлари, қор кўчиклари, шунингдек йирик ишлаб чиқариш корхоналардаги авариялар каби табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан холи ҳудуд эмас.

Шундай экан, пойтахтимизда Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳузуридаги Аҳолини фуқаро муҳофазаси соҳаси бўйича таёрлаш марказининг фаолият кўрсатаётгани бежиз эмас. Марказда юқумли касалликлар тарқалганда қандай ҳаракат қилиш, зилзила, бўрон ёки довул таҳдид солганда ундан сақланиш усуллари, сел ва сув тошқинлари, қор ва тупроқ кўчкилари каби фавқулодда вазиятлар чоғида қандай муҳофаза тадбирлари, шунингдек, авиация, темир йўл транспорти ва автофалокат ҳодисалари содир бўлганда жабрланганларга шошилинч ёрдам кўрсатиш амаллари тингловчиларга ўргатиб борилади. Бундан ташқари, тингловчилар билан хлор, аммияк ва симоб каби кучли таъсир этувчи заҳарли моддаларнинг тўкилиши билан боғлиқ техноген портлаш, ёнғин содир бўлганда шахсий муҳофазанинг тиббий воситаларидан фойдаланиш усуларини қўллаш, жароҳатланганларга биринчи "тез ёрдам" кўрсатишга оид сабоқлар олиб борилади. Бу ерда асосан масъул шахслар — маҳалла оқсоқоллари, корхоналарнинг Фуқоро муҳофазаси соҳаси бўйча гуруҳ раҳбарлари, коллеж, лицей ҳамда мактабларнинг шу соҳа бўйича ўқитувчилари ва мутасаддилари фавқулодда вазиятларда тўғри ва аниқ ҳаракат қилиш юзасидан сабоқ оладилар.

Фуқаро муҳофазасига оид дарсликлар, кўргазмали қуроллар ва рангли плакатлар билан безатилган катта аудиторияга бир йўла қирқ нафар тингловчи бемалол сиғади. Марказ компьютер, телевизор ва алоқа тармоқлари билан таъминланган.

Яна бир жиҳати шундаки, фуқаро муҳофазаси бўйича мустақил равишда кўникма ҳосил қилиш истагида бўлган кишилар тингловчилар қаторида зарур маслаҳатлар олишлари мумкин.

Азамат СУЮНОВ

Совломлар волиб бўлади, нафақат спортда, ҳаётда ҳам

МАҲАЛЛАДАГИ ФЕРМЕРЛАР

Янги замоннинг ишбилармонлари — фермерлар осмондан тушгани йўқ, улар ҳам маҳалланинг одамлари. Улар бир жойда томир отиб палак ёзган, қишлоқ хўжалигининг истиқболи бўлган фермерликка қўл уриб ўзини ҳам, элни ҳам бой қиламан деган ниятда оғирчиликни елкага олган юртнинг фидойилари. Далаларда меҳнат қилиш билан бирга маҳалланинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб, қийналиб қолган оилаларга елкадош улар. Маҳалланинг ободончилигига ҳисса қўшиб, болаларининг соғлом бўлиши йўлида қўлидан келган ёрдамини аямаётган саховатпеша ва оқибатли фермерлар эса талайгина.

Тошкент вилоятида шундай фермерлар борки, улар ишлаб топган фойдаларини аввало маҳаллани обод қилишга сарфлайдилар. Қолаверса, маҳалла болаларининг соғлом бўлишлари учун ўз имкониятлари даражасида саховат ишларига қўл урадилар. Оққўрғон туманидаги "Покиза — М" фермер хўжалиги раиси Абдумалик Каримов шундай қўли очиқ фермерлардан бири. У маҳалла ҳаётида фаол қатнашиши билан бирга, бу ердаги барча саховатли ишларга бош-қош. Шунинг учун ҳам ҳамқишлоқлари уни туман Кенгаши депутатлигига якдиллик билан сайлашди. Тумандаги "Фазлиддин — Омон бува" ва "Найман" фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳам бундай савобли ишлардан четда туришмайди.

Бекобод туманидаги "Аллаёр" фермер хўжалиги раиси Адҳамжон Тоиров болалар боғчасига турли совғаларни олиб берар экан, обрў ортириш ёки тилга тушиши учун бу ишларни бошламади. У болалар кўзидаги қувончни, шодликни кўрса чарчоқларини унутади, уларн келажакда яхши инсонлар бўлиб етишишларини орзу қилади. Ахир эзгу ният қилиш, фарзандлар камолини кўриш каби туйғулар бизнинг ўзбекларга хос одат эмасми?

Ўрта Чирчиқ туманида ҳам қўли очиқ фермерлар топилади. Масалан, "Эгамберди карвон" фермер хўжалиги раиси Маҳмуд Эгамбердиев ҳар йили маҳалладаги битта хайрли ишга бош қўшади. Мактабларни таъмирлашга, кўчаларни ободонлаштиришга ҳисса қўшган фермер бу йил "Тошкент денгизи" бўйидаги маҳаллаларнинг бирида очиқ сув бассейни қурмоқда. Бу эса нафақат шу маҳалла болаларига, балки ёз пайтлари дам олишга борган туман болаларига ҳам хизмат қилади.

Шу тумандаги Ўртасарой қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида ўнлаб фермерлар бор. Уларнинг ҳар бири маҳалла учун нимадир иш қилиб беради. Кимдир кам таъминланган оилаларга озиқ-овқатдан ёрдам берса, кимдир маҳаллада қурилиш қилади, кимдир болалар ўйингоҳи қуриб беради. Ўтган йили "Абдулла — Мухтабар" фермер хўжалиги салкам 100000 сўмлик спорт анжомларини маҳалла болаларига совға қилди. "Камол ота" фермер хўжалиги эса Дўстлик маҳалласидаги мактаб-интернатга доимо ёрдам қўлини чўзиб келмоқда. Бундай мисолларни эса кўплаб келтириш мумкин.

Яқинда Усмон ака деган фермер билан суҳбатлашиб қолдик. У қишлоқ хўжалигининг истиқболи фермерликда эканлигини ўз ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб тушунтирар экан, бир гапни айтди.

— Фермер бойиса, халқ, давлат бойийди, оиласи, маҳалласи бойийди. Ошиб-тошиб кетгани билан ўзим зўр яшаб, бошқалар билан ишим бўлмаслик менга хос одат эмас. Умуман, ука, ўзбек бойиса, ўзи қолиб, ўзгани ўйлайдиган бўлиб қолади, ҳа. Маҳаллангиз хароб бўлса, сизнинг бойиганингиз қаёққа боради. Сиз данғиллама уй солсангизда, қўшнингиз нураган ҳовлида яшаса, ўзингизни қўярга жой тополмай яшайсиз. Шунинг учун топганимиз аввало ўзимизники, маҳалланики.

Мен унинг гапларини мулоҳаза қилар эканман, маҳалладаги фермерлар омон бўлса, юртнинг юки ерда қолмаслигига амин бўлдим.

Ҳамид НОРҚУЛОВ

Қашқадарё вилояти



Мамлакатимизда "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш" Давлат дастури асосида замонавий таълим масканлари қурилаяпти. Ғузор туманидаги жадал суръатларда бунёд этилаётган 11-мактаб биноси яқин орада Ёрғунчи маҳалласи ўқувчи ёшларини ўз бағрига олади.

Боғларимиз ва совлигимиз

Сурхондарё вилояти

Юртимиз азалдан ўзининг ширин-шакар мевалари, ноз-неъматлари билан донг чиқарган. Бироқ кейинги йилларда минерал ўғитлардан нотўғри фойдаланиш, зарарли кимёвий моддаларнинг меъёридан ортиқ қўлланилиши натижасида кўп ҳолларда меваларимиз таъми бузилиб, сифати ёмонлашаётганлигига гувоҳ бўламиз.

ДАРАХТДА "ЗАҲАР" ЕТИШТИРМАНГ!..

Қишлоққа яқин яшаганлигим туфайли дориланган ва дориланмаган мевали дарахтларни доимо кузатиб бораман. Сариосиё туманидаги Маданият қишлоғида 10 гектар, Тоқчиён қишлоғида 15 гектар олмазор бор. Бу боғлардаги олмалар ҳеч қачон дориланмайди. Минерал ўғитлар билан озиқлантирилмайди. Шу боис бу ерда етиштирилаётган мевалар хуштаъмлиги билан ажралиб туради. Тўғри, мен асл деҳқон ёки бу соҳадаги мутахассис эмасман. Лекин бу ҳолатларни сезиш, билиш учун деҳқон ёки мутахассис бўлиш шарт эмас.

Яқинда Сариосиё бозорида олма сотаётган деновлик кекса деҳқон билан меваларнинг чиройли, тоза ва хуштаъмлиги ҳақида суҳбатлашиб қолдик. Мен Сариосиё олмазорларининг аҳволи ҳақида сўзлаб бердим.

— Илгари олма қурти дарахтга ўрмалаб чиқмаслиги учун дарахт танасига эски қоп, похол каби нарсалар боғланарди. Ҳозир эса бунинг энг осон йўлини топиб олишган. Яъни дарахтлар устига заҳар сепишади, — деди отахон ачиниб.

Маълумки, қишки нав олма, хурмо, беҳи, нок каби неъматларнинг кўпчилиги бизда октябрь ойида пишиб етилади. Қишки нав мевалар қанча кеч узилса, шунча хушбўй, мазали бўлади. Бироқ баъзи хўжаликлар, боғбонлар ҳали пишиб етилмаган меваларни узиб бозорларга чиқарадилар. Сифатсиз маҳсулот билан халқни алдайдилар.

Масалан "Сариосиё", "Суфиён", С.Кассиров номли ширкат хўжаликларидаги қишки нав олмалар 1 сентябрдан 20 сентябргача ҳом ҳолда териб, консерва заводларига, тайёрлов корхоналарига топширилади. Икки йилдан бери эса улар трактор кузовларига аввал қишки нав олма теришиб, сўнгра устига ёзги олмани жойлаб қабул пунктларига жўнатишмоқда.

Аксар ҳолларда режа ва даромад ортидан қувиб, сифат масаласини унутиб қўймоқдалар.

Минерал ўғитлардан ҳам меъёри билан фойдаланиш лозим. Зеро, меъёридан ортиқ солинган минерал ўғитлар, кимёвий дорилар келтириб чиқарадиган аянчли оқибат барчамизга аён. Қолаверса, инсон саломатлигининг ҳар қандай даромаддан устун туришини эсдан чиқармайлик. Минерал ўғитлардан, зарарли химикатлардан фойдаланмасдан туриб ҳам мевалардан мўл ҳосил етиштириш тажрибаларини оммалаштириш керак, деб ўйлайман. Ўсимлик зараркунандаларига қарши биологик, механик ва бошқа зарарсиз усуллар билан курашиш лозим. Зеро, табиатнинг табиийлигини асраш, тупроқ, сув, ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонот оламини келажак авлодга табиий ҳолича топширишга биз — бугунги кун одамлари масъулмиз.

Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ

Самарқанд вилояти

Маҳалла милиция таянч пунктларида

МАСЪУЛИЯТ ОРТИДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

Самарқанд шаҳридаги Фиёсиддин Жамшид номли маҳалла ҳудудида жойлашган 49-сонли маҳалла милиция таянч пункти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан профилактика хизматини янада самарали ташкил этишга қаратилган анъанавий "Намунали милиция таянч пункти" кўрик-танловининг 2004 йилги ғолиби бўлганди.

— Маҳалла милиция таянч пункти ўтган йили таъмирланиб, фойдаланишга топширилган эди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Илҳом Саидов. — Унга инспектор, милиция катта лейтенанти Тўйчи Қўзибоев раҳбарлик қилади. Таянч пункти ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ибратли ишларни амалга оширмоқда. Маҳалла билан ҳамкорлик қилаётган инспекторлар ҳудуддаги барча фуқароларнинг ҳолатларини ўрганиб, улар билан умум тартибда ва якка тартибда суҳбатлар ўтказмоқдалар. Ана шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ ўтган йилда ҳудудда бирорта салбий ҳолат содир этилмади.

— Иш учун қулай шарт-шароитлар яратилган, — дейди таянч пункти ходимлари. — Бу ишда бизга кенг жамоатчилик яқиндан ёрдам бермоқда. Улардан Рустам Иброҳимов, Шароф ака Умаровларнинг номини алоҳида таъкидлашни истар эдик. Ўтган йили Самарқандда бўлиб ўтган "Универсиада — 2004" мусобақаларида қатнашган кўпгина спортчилар маҳаллада меҳмон бўлиб, ҳордиқ чиқардилар. Уларнинг хавфсизлигини таъминлашда биз инспекторлар ғайрат билан фаолият кўрсатдик.

Маҳаллада 538 та оилада 1 минг 939 нафар аҳоли истиқомат қилади. Иккита катта кўча, яъни, Ибн Сино, Фиёсиддин Жамшид номли кўчалардан ҳар куни минглаб одамлар ўтиб-қайтадилар. Транспорт қатнови бир зум ҳам тўхтамайди. Аҳолига маиший ва савдо хизмати кўрсатадиган ўндан ортиқ шахобчаларнинг фаолиятига маҳалла фуқаролар йиғини ва унинг таянч пункти яқиндан кўмак бермоқда.

— Сиҳат-саломатлик йилини муваффақиятли ўтказиш борасида ўз тадбирларимизни белгилаганмиз, — дейди маҳалла оқсоқоли Илҳом Саидов. — Маҳалламиз ҳудудида Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг академик лицейи, замонавий поликлиника, вилоят тезкор тиббий ёрдам кўрсатиш маркази ишлаб турибди. Тадбирларни ўтказишда улар бизга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Маҳалла аҳлининг сиҳат-саломатлиги доимо уларнинг назоратида. Аҳоли ўртасида тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида шифокорлар билан бир қаторда милиция таянч пункти ходимларининг ҳам хизмати катта бўлаяпти.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Андижон вилояти

ҒОЛИБЛИККА ЕТАКЛАГАН ЙЎЛ

Буни деҳқончекликлар ўз ишига бўлган масъулият ва ташкилотчилик билан изоҳлайдилар.

Кўрғонтепа туманидаги Деҳқончек маҳалласи аҳли ўз маҳаллалари ҳудудида жойлашган 171-сонли милиция таянч пунктининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан профилактика хизматини янада самарали ташкил этишга қаратилган анъанавий "Намунали милиция таянч пункти" кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллаганлиги ва "Дамас" автомашинаси билан мукофотланганлигидан телевизор орқали хабардор бўлиб ниҳоятда қувондилар.

Чунки бу Деҳқончек маҳалласи фуқаролар йиғини ва милиция таянч пунктининг профилактика ҳамда вояга етмаганлар бўйича нозирлари, маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчиликнинг ишига берилган муносиб баҳо бўлди.

— Ўтган йилнинг бошида кўрик-танлов эълон қилинганидан хабардор бўлгандик, — дейди маҳалла оқсоқоли Ҳурмамат Аҳмедов. — Кўрик-танлов низоми билан танишганимизда маълум бўлдики, танлов шартларига ва талабларига бизнинг таянч пунктимиз жавоб бера олар экан. Шу аснода профилактика инспекторимиз, милиция капитани Фарҳоджон Султонов билан биргаликда ва маҳалла фаолларининг кўмагида таъмирланган таянч пункти биносини қайтадан жиҳозлашга киришдик.

Маҳалла фуқаролар йиғини биносининг орқа томонида "Деҳқончек" ширкат хўжалиги раҳбарияти ва маҳалла аҳлининг куч-ғайрати билан ёзги спорт мажмуи бунёд этилган эди. Кейинроқ туман ҳокимининг ёрдами билан бу ерда катта мусобақалар ўтказилиши мумкин бўлган ўйингоҳ қурилди. Футбол, волейбол, қўл тўпи, теннис майдонлари, ёзги болалар бассейни қуриб фойдаланишга топширилди. Ҳозирги кунда бу ерда ташкил этилган спорт тўгаракларида яқин-атрофдаги маҳаллаларнинг ярим мингга яқин ёшлари машғулотлар олиб борадилар.

Маҳалла фуқаролар йиғинига жаҳон, Осиё чемпионатлари ғолиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи, "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони соҳиби, боксчи Тўлқинжон Турғуновнинг вояга етмаган ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш инспектори қилиб юборилиши бу ерда олиб борилаётган ишлар савиясининг юксалишга сабаб бўлмоқда.

— Ҳамма нарса бекорчиликдан келиб чиқади, — дейди милиция катта лейтенанти Т.Турғунов. — Шунинг учун ҳам бугунги кунда ёш авлоднинг доимий фойдали иш билан машғуллигига эътибор бермоқдамиз. Мен Деҳқончек маҳалласидан ташқари Дардоқ ва Дўстлик қишлоқларига ҳам хизмат қиламан. Бу ердаги вояга етмаганлар ўртасида турли жиноятларнинг олдини олиш бўйича уруш ва меҳнат фахрийлари билан ёшлар ўртасида учрашувлар ташкил қиламиз. Айниқса, бугунги кунда юртимиз довруғини жаҳонга таратаётган спортнинг бокс турини минглаб ёшларимиз астойдил севиб қолдилар. Улар айни пайтда келажакда мамлакатимиз ва жаҳон рингларига чиқиш учун ўз маҳоратларини оширмоқдалар.

Маҳаллада жиноятчиликнинг кескин камайиши ва милиция таянч пунктининг республика кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллаши маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари зиммасига катта масъулият юкламоқда. Улар юксак мукофотга амалий иш билан жавоб бериш учун аҳоли ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасида кенг кўламли тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар.

Инсон ҳеч қачон жиноятчи бўлиб туғилмайди. Демак, тарбиявий ишларимизнинг мазмун ва моҳияти қанча чуқур бўлар экан, турмушимиздан "жиноятчилик" деган сўзнинг чиқиб кетиши шунчалар тезлашади. Буни деҳқончекликлар жуда яхши биладилар.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Тошкент шаҳри

Мискин кўнгил изҳори

"ҲОЛИМ СЎРАЙДИГАНЛАРИМ ВОР!.."

Яратган ҳар бандасининг иймонини турли синовга солиб синар экан. Тақдиримда бор экан, тўрт мучам соғу бўйим анча паст, менга ўхшаганларни "лилипут" деб аташади.

Ёшим 78 да, бир томондан қаричилик, иккинчи томондан паканалигим турмушда жуда панд беради. Ҳатто автобусларга чиқолмайман, шундай пайтларда маҳалладошларим дарҳол менга ёрдам беришади — транспортга кўтариб чиқаришади, кўтариб туширишади. Маҳалламиз оқсоқоли Илёс Файзиев бизга ўхшаган ёрдамга муҳтож кишилар ҳолидан ҳамиша хабардор бўлиб туради. У кишининг зийраклигига раҳмат, улуғ айёмлар, байрамларда ширин сўзу ноз-неъматлар билан йўқлаб, мендек мискинларнинг кўнглини тоғдек кўтариб қўяди. Бу ишлар ортида миннат йўқлиги ёки хўжакўрсинга қилинмаётганини дилдан ҳис этиб тураман. Оқсоқолимизнинг бу тадорикларини кўрган кўни-кўшниларим, маҳалладошларим ҳам мендан ёрдамларини аямайдилар. Бундай муносабат кишининг кўнглига меҳригиёдек таъсир қилади, менинг бу сўзларимга маҳалладошларидан оқибат кўрган кишилар албатта қўшилсалар керак.

Мен ўз аҳволимдан, тақдиримдан нолимайман. Шундай синовларга қўйганига яраша, шундай меҳрибон инсонларга рўпара қилиб қўйгани учун Яратганга шукроналар айтаман, маҳалладошларим, оқсоқолимизни куни тун дуо қиламан. Умрларига, ишларига барака сўрайман, токи мен каби кўнгли яримларнинг бахтига улар каби саховати, меҳр-мурувватти бутун кишилар доимо омон бўлсинлар.

Холбиби ХАЛИЛОВА,
Ҳамза туманидаги Машарипов номли маҳалла фуқароси.

ИСТЕЪДОД ОСТОНАСИ

Хоразм вилояти

Қадамбой ОТАЕВ олган суратлар.

Вилоятда энг катта ва нуфузли мусиқа мактабларидан ҳисобланган Хива шаҳридаги Абдушерип Отажонов номли 5-сонли болалар санъат мактаби ўзининг 80 йиллик юбилейини нишонламоқда. Бу санъат илми маскани Ўзбекистонда ташкил этилган дастлабки мактаблардан бўлиб, бу ерда таълим олганлардан кўпчилиги республикада кўзга кўринган санъаткорлар бўлиб, эл ҳурматига сазовор бўлиб келмоқдалар.

Айни пайтда даргоҳда 300 дан ортиқ истеъдодли ўқувчилар таълим олмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: *Ашрафи номли танлов ғолиби Шарифа Иброҳимова ва Раҳматулло Ибодуллаев, Хайрулло Авазовлар "Айтишув" дуэтини ўрганишмоқда (ўнгда).*

Бахшичилик синфи ўқувчиларидан бир гуруҳи ва яккахон, 1-синф ўқувчиси Расул Абдураҳмонов.

Суддан сўнг...

"ПОРОШОК" САВДОСИ

ёки пул дардида ўз юртдошларига ажал тилаётган аёллар

...Фарзандларим ҳеч кимдан кам бўлмасин, деб хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиб, ёлғиз ўзи рўзғорини изга солиб олган Инобатдан қариндошларининг кўнгли тўқ эди. Денов тумани хусусий тадбиркорлар савдоси чаққон Инобатни яхши билишади. Қўли-қўлига тегмайдиган бу аёл кийим-кечак, турли тақинчоқ савдосидан ташқари, Хоразм вилоятидан тонналаб харидорбоп гуручни Денов тумани ва Тошкент шаҳрига олиб бориб, яхшигина фойда кўришни ҳам йўлга қўйган... Бироқ негадир кейинги пайтларда у савдодан олаётган фойдаси янада кўпроқ бўлишини истаб қолди.

Бир куни шу хаёлда уйига қайтаётган Инобат "эски" таниши — тожикистонлик "Зуҳро" исмли аёлга дуч келди.

— Эшитишимча, латта-путта, дон-дун қилиб, роса тер тўкаётган эмишсиз, — дея пичинг қилди Зуҳро саломлашиб.

— Нимасини айтасиз, қариндош, — деди Инобат мақсадни рўёбга чиқариш имконини топгандай.

— "Порошок" бор. Бир-икки марта "юриш" қилсак, фойдаси шунча йилдан буён не-не ташвиш билан топганингиздан анча кўп бўлади. Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз, — дея мақсадга кўчди "эски" таниш аёл.

Икки "қадрдон" дугоналар узоқ суҳбатдан сўнг тарқалишди. Эртаси куни Инобат гуруч олиб келиш учун йўлга чиқди. Тошкент — Хоразм йўналишидаги автобусда ўзини яна бир Зуҳро деб таништирган савдогар аёл билан ёнма-ён ўтириб суҳбатлашиб кетар экан, дугонасининг "таклифи"дан олинадиган ғойибона бойлик миясида чарх урарди. Ноҳоят, нафс балоси устун келиб, суҳбат орасида Зуҳронинг қўлтиғига қўл солиб кўрди. Кўр кўрни қоронғида топади, деганидек Инобатнинг таклифи айни муддао бўлганидан Зуҳро ўзини қўярга жой тополмай, яқиндагина туркманистонлик танишлари героин сўраб келганини сўзлаб берди. Сўнг бу аёллар героин савдосини йўлга қўйишга келишиб олишди...

Нафси ҳакалак отган Инобат ушбу суҳбатдан бир ҳафта ўтар-ўтмас Сурхондарё вилоятига чегарадош бўлган қўшни давлатнинг Турсунзода туманига яширинча, айланма йўллар орқали ўтиб, Зуҳро исмли дугонасиникига боради. Ундан 1 минг АҚШ долларига 100 грамм героин сотиб олиб, ортга қайтади. Сўнг Урганч шаҳрида яшовчи Зуҳрога қўнғироқ қилиб, "Тошкент цирки" биноси олдидаги фаввора атрофида учрашишга келишиб олади. Зуҳро турмуш ўртоғига: "Тошкентга бориб, раҳматли отамнинг қабрини зиёрат қилиб келаман", — дея шу заҳоти йўлга чиқади.

Оғуфурушликни осойишта ҳаётдан афзал кўрган бу аёллар "оқ ажал" уруғини сочиш "ҳамкорлиги"ни 100 грамм героин савдосини амалга оширишдан бошлашади.

Парпиева Инобатнинг тергов баённомасидан:

— Героинни олиб келиб, сотиш учун Зуҳро опага берардим. У киши сотганидан сўнг мен айтган пулни берарди. Бошланишида 100 грамм героинни бир ярим минг АҚШ долларига пуллаб бериш учун берганман. Кейингиларида 200-300 граммдан олиб келиб, Зуҳро опага берардим.

Қўчқорова Зуҳронинг тергов баённомасидан:

— Инобатдан героинни олиб, менга таниш бўлган "Қодир" ва "Майя" исмли эр-хотинга сотардим.

Героин савдоси билан шуғулланаётганимдан турмуш ўртоғимнинг хабари йўқ эди. Инобатдан героинни олиш мақсадида уйдан чиқиш учун ҳар safar бирон-бир баҳона ўйлаб топардим. Бирида хўжайинимга Тошкентдаги табибга кўриниб келаман, деган бўлсам, яна бирида бошқаси... Сирғали туманида квартирамиз ҳам бор эди.

Оғуфуруш аёллар ҳар safar қабиҳ режаларини амалга оширгач, қўлга киритилган бойликдан ҳузурланиб, навбатдаги "юриш"га ошиқарди. Аммо шайтон измига тушган бу "она"лар ўз қўлидан ўтказаётган героин моддасининг бир чимдими инсонни томомила ақлдан оздириши ёки гиёҳванд кишидан ногирон чақалоқ туғилишини яхши билса-да, бунга умуман парво қилмас эди.

Инобат бундан буён кўп миқдорда героин савдосини амалга ошириш мақсадида Тошкент шаҳрининг Дўмбиробод маҳаллясида кўп қаватли уйлардан бирида квартира сотиб олади. Сўнг тожикистонлик дугонаси Зуҳродан нақд 1 килограмм героин олиб келади ва уни 15 минг АҚШ долларига сотиш учун ўзбекистонлик ҳамтовоғи Зуҳрога беради. Квартирадан шахсий иш билан эндигина чиқиб кетган турмуш ўртоғининг йўқлигидан фойдаланган Зуҳро эса, героинни эртасига мижозга олиб боришини айтиб яшириб қўяди.

Бу сафар уларнинг сири фош бўлди. Хоразм вилоятига йўл олган "Нексия" русумли автомашина Тошкент шаҳридаги "Эркин" ЙПХ масканида МХХ ходимлари томонидан тўхатилди. Автомашинани холислар иштирокида текширувдан ўтказиш чоғида ҳайдовчи — Зуҳра Қўчқоровонинг турмуш ўртоғи Озод Қўчқоров ўриндиғи остидан нимадир ўралган белбоғ топилди. У очиб қаралганда, пакетчаларга жойлаштирилган оқ сарғиш кукунсимон модда борлиги аниқланди. Ўтказилган экспресс — анализ натижаси жами 1 килограмм бўлган бу модда героин эканини кўрсатди.

Қизиқ, З.Қўчқорова кирдикорларини хўжайинидан сир тутиб юрган бўлса, унинг ўриндиғи остида нақд 1 килограмм героин қандай пайдо бўлди? Автомашина "Эркин" ЙПХ масканига яқин келганда ўзидан хавфсираган З.Қўчқорова кийими остидан "белбоғли героин"ни олиб, бошқарувда ўтирган хўжайинининг ўриндиғи тагига ташлаган экан. Қаранг-а, оғуфуруш бу аёл жазодан қочиш учун ўз турмуш ўртоғини қора ниятига рўбарў қилмоқчи бўлди. Аммо унинг найранги ўтмади.

Тез орада Инобат Парпиева ҳам қўлга олинди. Тергов давомида аниқланишича, И.Парпиева аввалларги гиёҳванд моддаси билан шуғулланган учун икки маротаба судланган. Афв этиш тўғрисидаги амнистияга мувофиқ ва оилавий шароити ҳисобга олиниб, ҳар иккаласида ҳам жазодан озод этилган экан.

Тошкент шаҳар суди бу сафар унга нисбатан амнистия қўлламасликни лозим топди. Суд томонидан И.Парпиева 15 йил, З.Қўчқорова эса 11 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Ўтган йил 1 декабрда эълон қилинган амнистия тўғрисидаги Фармонга биноан, З.Қўчқоровага белгиланган жазо муддатини тўртдан бир қисмига қисқартиришга ҳукм чиқарилди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Кейинги пайтларда оғуфурушлар орасида аёллар тез-тез учраб турганини кишини таажжубга солади. Нима учун шундай? Терговлар жараёни таҳлили шуни кўрсатадики, гиёҳвандфурушлик йўлини танлаётган баъзи аёллар биз ожизалардан кам шубҳаланиш бўлади, дея хулоса қилишар экан. "Оқ ажал" уруғини сепиш, ўзгаларга маънавий, жисмоний зиён етказиш эвазига манфаат кўриб келаётган шахслар сири фош бўлганда эса, оиладаги моддий етишмовчиликни рўкач қилиб, ўзларини оқлашга ҳаракат қилишади. Аслида ундай эмас. Балки, киши бойликка бўлган ҳирсини жиловлаб олмаганликда. Хусусан, юқоридаги ҳикоямиз "қаҳрамон"лари — И.Парпиева ва З.Қўчқороваларнинг ҳатти-ҳаракатлари фикримизга яққол мисол бўла олади.

Алишер ҲАСАНОВ,
журналист.

Олам турфа

САРТАРОШЛАР МУЖИЗАСИ

АҚШнинг Кливленд шаҳрида яшовчи икки сартарош — Питер Бланк ва Оливер Дрелер баландлиги икки метр қилиб соч тўрмакладилар.

Бунинг учун сочга ишлатиладиган 30 баллон лакли аэрозол, 12 метрга яқин ҳақиқий улама соч, 3 метр ҳарир газлама, 190 та соч тўғноғич керак бўлди.

Сартарошлар бу ишни 7 нафар ассистентлари билан роппароса 9 кунда бажариб бўлдилар. Ҳаммаси яхши бўлди, фақат... сартарошлар мижози — Аурелла Мюрицга қийин бўлди холос. Ахир 9 кун сартарошхонада ўтиришнинг ўзи бўладими?

ОТ-АРАВАДА 407 ҚОП

Австралиянинг Калин ҳудудида истиқомат қилувчи Кепрат Хильдиоринд исмли фермер аравада оғир юк ташиш бўйича ўзига хос рекорд ўрнатди. У ўн бешта от қўшилган аравада 407 қоп ғаллани жойлаштирган, юкнинг умумий вазни 35 тонна эди.

ЭШОВИДАН ТУШОВИ КЎП

Бугунги кунда муаллифлари бир неча олим бўлган илмий мақолалар ҳеч кимни ҳайрон қолдирмайди.

Лекин "Физикл ревью Леттерс" журнали бу соҳада баридан ўзиб тушди. Унда чоп этилган мақола охирида 19 муаллиф имзоси турарди. Олимлар исми, улар ишлайдиган илмий муассаса номи журналда "атиги" бир саҳифанинг барини эгаллади.

М.ИСЛОМОВА
тайёрлади.

ЭЪЛОН

"ЎРАМА КУЛЧА" Масъулияти чекланган жамияти

2005 йил 29 апрель куни соат 10.00 да пайчиларининг навбатдаги мажлисини ўтказади.

КУН ТАРТИБИ:

1. МЧЖнинг янги Низомини тасдиқлаш тўғрисида.
2. МЧЖ таъсисчиларининг шартномасини тасдиқлаш тўғрисида.
3. МЧЖ пайларининг олди-сотдиси тўғрисида.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, Авиация тор кўчаси, 63-уй. Телефон: 41-53-77.

"ЎРАМА КУЛЧА" МЧЖ МАЪМУРИЯТИ.

Султон Расулий

ҲАҚ ЙЎЛИДА ЮРАР БЎЛСАМ

Ҳақнинг ёди ҳикматлидир,
ўйлаб куйга солар бўлсам,
Заҳар ютсам шакар бўлур,
ҳақни ёдлаб юрар бўлсам.
ЭГАМ ҳақдир, ишқий покдир,
ҳақ йўлида ёнар бўлсам,
Завққа тўлиб турар дилим,
таърифини ёзар бўлсам.
Нозик дилим, бир ён тилим,
сабр қилмоқ бўлди ишим,
Куйди жоним, кетди дармон,
оқди манинг кўздан ёшим.
Ўйлайвериб учди ҳушим,
ақлим етмай қотди бошим,
Илҳом тўлиб келаверсин,
ҳақ сўзимни айтар бўлсам.
Қудратини кўрганимда, уйқум қочди,
ақлим ошди,
Кечалари ўйлайвериб,
чўчиб турдим кўзим очди.
Охиратни гар ўйласам,
азиз дўстлар хаёл қочди,
Чин сўзимни АЛЛОҲ учун
яхшиларга айтар бўлсам.
Чекдим озор, хаёлларим
дунё кезар ёзсам агар,
Чаман гул-боғ ичра кириб
дил сўзларим айтсам магар.
Эй Расулий, умр шамдир,
нодонлигим бағрим эзар,
Аллоҳ йўлин ёдда тутиб,
дил сўзимни айтар бўлсам.

Ўзбекнинг феъли

ҒУРУР

Воқеий ҳикоя

Турсунбой кўча эшигининг тақиллашидан чўчиб уйғонди. Тонг отиб қолибди. Қўшниси Эркинга ишга эртароқ жўнаймиз, дегани эсига тушди. Тезда ювиниб кўча эшигини очди. Келган ростдан ҳам Эркин экан. Ухлаб қолганидан хижолат тортиб, улардан узр сўраб уйига қайта кирди. Ранги ўчиб кўрпа остида бир-бирига тиқилиб пишиллаб ухлаётган учта фарзандига хўрсиниб қараб қўйди. Ишга бориш керак. Ёлғизлик қурсин. Кўзи қиймаса ҳам болаларини ёлғиз ташлаб кетишга мажбур.

Қадрдони Эркин билан Мадамин "биржа"нинг ҳовлиси томон юришди. Илгари уни маҳаллада Мадамин "пиён" дейишарди. Замон ўзгариб олди-сотти билан шуғулланган Мадамин "пиён" миллионер бўлиб кетди. Энди уни кимсан "Мадамин биржа" дейишади. Икки қаватли уй, уч-тўрт машина, ғиззиллаб кириб-чиқиб турган дарвозалик ҳовлиси ёнига яқинда туғилган неварасига катта ҳовли бошлаган. Ана шу иморатга Турсунбойлар тўртта киши бўлиб ғишт қуйишади. Ростини айтиш керак. Мадамин "биржа" ҳар беш кунда иш ҳақларини тўлиқ ҳисоб-китоб қилади. Бир маҳал чой, тушликка овқат беради. Турсунбойлар ҳам бугун тушгача ишлаб овқатга ўтиришди. Тушликдан кейин қўшни қишлоқдан келган икки йигит ишларини тугаллаб кетадиган бўлишди. Мадамин "биржа" югурдаги Солий қилтириққа буюриб улар қуйган ғиштларни санатди. Унинг санаганига ишонмади шекилли, ўзи қайтадан санаб чиқди. Чўнтагидан бир даста пул чиқариб, тилла тишлари орасидан "чирт" эттириб туфлаб ишшайди.

— Хўш, — деди чўзиб, — ҳисобли дўст ажралмас, қуйган ғиштларингиз ўн минг, ҳар ғиштга тўрт сўмдан ҳисобласак, қирқ минг сўм бўлар экан. Энди бундан авансга олган пулингизу, чойу овқат пулини олиб қолсак, азаматлар ўн беш минг сўм олар экансизлар, — деди. Йигитлар бундан норози бўлиб: — Овқатга шунча пулми, бунинг устига икки минг ғиштни кам ҳисобладингиз, — дейишди.

— И-и, укам, бир коса шўрпа бозорда неча сўмлигини биласизми? Икки минг ғиштни кам санаган бўлсам, унинг синиғи, кемтиги дегандек?! Сизлар билан ади-бади айтишиб ўтиришга вақтим йўқ, — деди-ю пулларни зарда билан ғиштлар устига ташлади. Ноилож қолган йигитлар пулларни йиғиштириб олиб қўйишди.

Кечқурун Турсунбой чарчаб уйига келди. Кенжатойи Йўлчибой унинг олдига югуриб келиб бўйнидан қучоқлаб қувончли хабар айтди:

— Дадажон, мени мактаб опамлар ўқишга ёзиб кетдилар, — деди қувониб. Турсунбой ўғлини бағрига босди. У бемаврид оламдан ўтган хотинини эсладими ё шу кунлар қўли қисқа бўлиб рўзғорнинг паст тушганлигиданми, хўрсиниб қўйди. Ўғли мактабга чиқмасдан унга суннат тўй қилолмагани алам қилди. Қўли қисқалик қурсин. Кунлар оқар сувга ўхшайди. Тонг отади. Кун ботади. Умрингнинг ўтганини ҳам билмай қоласан киши. Турсунбой бу ёруғ оламда бир нарсага қувонади, қувончи — болалари. Ташвишланади, ташвишлари — шу болалари. Унинг ҳаёти шу тариқа ўтаётган кунларнинг бирида ҳовлисига маҳалла имоми Шариф қори кириб келди. Ҳол-аҳвол сўрашиб, бир пиёла чой ичгач, чўнтагидан бир варақ қоғоз чиқариб гапнинг индаллосини айтди:

— Турсунбой, Мадаминжон бир савоб иш қилаяпти, маҳалламиздаги еттита ночор оиланинг фарзандларига суннат тўй бермоқчи. Биз маслаҳатлашиб сенинг ўғлингниям шу рўйхатга қўшишга қарор қилдик. Шунга сенинг рухсатингни олгани чиққандим.

— Жуда савоб иш қилаётган экан. Барака топсин, мен розиман, — деди Турсунбой. Деди-ю, дув қизариб, терлаб кетди. Шариф қори уни алқади, ўрнидан турар экан қўлидаги варақка алланималарни ёзиб қўйди. Кетар экан эшик олдига бориб, орқасига қайрилиб қараб яна таъкидлади:

— Яна айниб қолмагин, пайшанба куни, яна тўрт кундан кейин тўй, — деди. Турсунбой уй остонасида имомни кузатиб қўяр экан, бу хушхабардан қувонч сезмади. Негадир ичига совуқ киргандек маъюс тортиб қолди. Тўй куниям тез етиб келди. У бозор-ўчар қилиб ҳовлисига кирганида янги дўппи кийган ўғлини кўриб бағри-дили яйраб кетди.

— Ҳой тўй бола, саруполар муборак бўлсин!, — дея боласини бағрига босди, пешонасидан ўпди. Кечқурун "Нексия" келиб ўғлини олиб кетди. Турсунбойга тез етиб боришини тайинлашди. Тўй. Ўзбекнинг тўйи. "Мадамин биржа"нинг ҳовлисига одам сиғмайди. Столлар усти тўла ноз-неъматлар. Созандалар даврани қиздирмоқдалар. Рангбаранг чироқлар билан безатилган кўшкда етти бола ўтирибди. Уларнинг қоқ ўртасида хўппа семиз, қорамтир хотин билан "биржа" савлат тўкиб ўтирибди. Нотиқлар бирин-кетин "биржа"нинг номига олқишлар, ҳамду санолар ўқишмоқда. Кимдир Мадаминжонга бу сахийлиги, бу саховати жаннатдан жой беради деса, иккинчи бири уни сахийликда Хорунга тенглаштиради. Отарчилар бу олийҳиммат "ота"нинг номини қўшиқ қилиб айтишди. Бир чеккада қўйилган стол атрофида уч бева аёл билан яна уч киши кўз ёшларини биров кўриб қолмасин дея яшириб ўтиришибди. Булар суннат тўйи қилинаётган болаларнинг падари, волидалари. Уларнинг ёнида Турсунбой ҳам ўтирди. Ҳамма қувончда. У қувонай дейди-ю, қувона олмади. Ичида нимадир бўшашиб узилиб кетгандай. Маросим охирлаб қолганда болаларни турғизиб хатна қилинадиган катта залга олиб келдилар, тўшалган қув оппоқ тўшакларга қатор ётқиздилар. Дўхтир шу ерда ҳозир. Имом Шариф қори Мадамин "биржа"га юзланиб:

— Қани, болаларнинг отаси, Мадаминжон бир фотиҳа қилсинлар! — деди. Мадамин "биржа" тилла тишларини кўрсатиб сўзга оғиз очди. Унинг айтадиган сўзлари бўғзида қолди. Шунда...Шунда кутилмаган воқеа рўй берди. Турсунбойнинг нафаси қисилиб устига шифт тушиб келаётгандек туюлдию, боя ичида узилган нарса портлаб кетди. Бир куч — ғайри шуурий бир куч уни олдинга итарди. Одамлар орасидан отилиб чиқиб оппоқ тўшакда жўжадек жовдираб ётган ўғлини даст кўтариб бағрига босганича атрофдагиларни уёқ-буёққа итариб, "жин чалганми, ношукур" деган хитобларини ортда қолдириб, кўчага отилди. У вужудининг бир парчаси бўлган ўғлини бағрига босиб остона ҳатлаб уйига кирганида ҳам тўй давом этар эди... Аммо Турсунбойнинг бағри кенгайгандек томирларидаги қони жунбушга келиб қулоқлари остида бошқа бир ажиб куй янграрди. У ўғлини бағрига босиб узоқ ухлай олмай ётди. Уйқуга кетганида тушига марҳума аёли Санобархон кирди, оппоқ ҳарир рўмол бошида остона ҳатлаб ўтиб эрининг оёқлари ёнида тиз чўкди, унинг оёқларига қўл теккизиб тавоф қилар, "Турсунбой ака, мен сиздан қиёмат қойимга қадар розиман", — деярди. У уйғонганда оппоқ тонг отган эди. Шу куни Турсунбой хонадонидаги бор бисоти — хўкизини сотиб келди. Уч кундан кейин ўғлининг қўлини ҳалоллади. У шу куни жуда бахтиёр, қувончи беғубор эди.

Хушнуд ЁҚУБЖОНОВ

Тошкент вилояти

Зангиота тумани Бўзсув қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги Янги ҳаёт маҳалласида бунёд этилган спорт мажмуи ҳар қайси шаҳардаги спорт иншоотларидан қолишмайди. Вилоятнинг энг чеккасида, аҳолиси ҳам унча кўп бўлмаган бу маҳаллада бундай иншоотларнинг бунёд бўлишини маҳалла оқсоқоли Ислом Орифжоновнинг ташаббускорлигисиз тасаввур қилиш қийин.

СУРАТДА: янги спорт мажмуининг очилиш маросимидан лавҳа.

ФИРИБГАР "ПРОФЕССОР"НИНГ СОХТА ДОРИСИ

У минглаб дарди бедаво беморларнинг дарди устига чиққан чипқондек бўлди

Аввало ҳар қандай дарддан барчамизни Яратганнинг ўзи асрасину, лекин саратон (рак) деган дарди бедавога учраган инсонлар ер юзида кўплаб топилади. Албатта бу турфа беморларнинг изтиробларини бироз енгиллатувчи ёки хасталикни озгина чекинтирувчи дори-дармонлар, даво усуллари мавжуд, лекин минг афсуски, дунёдаги энг нуфузли тиббиёт муассасалари мутахассисларининг бу дарддан бутундай фориғ этувчи дори ёки даво усулини топиш йўлидаги кўп йиллик изланишлари ҳозирча самарасиз бўлмоқда.

Ҳозирча замонавий тиббиёт, беморлар ва уларнинг яқинлари "Чиқмаган жондан умид" қилишга мажбур. Шу боис бирон кишининг бу хасталикка дучор бўлиши, унинг оиласи, яқинлари учун катта бахтсизликдир десак, муболаға бўлмас. Буни қарангки, замондошларимиз орасида бундай бахтсизлик бахонасида бойлик орттиришга "бел боғлаган"лари ҳам йўқ эмас экан. Яқинда Россиянинг марказий нашрларидан бири "Аргументы и факты" газетаси ана шундай кўзбўямачининг кирдикорларини фош қилди.

Аслида ҳаммаси Россиянинг бир қатор газеталарида "Исроиллик профессор рак касаллигини бутунлай даволашга эришди" деган мазмундаги тижорат-реклама мақолалар чоп этилишидан бошланди. Мақолаларда Исроилдаги "Биогениус" фирмасида киши танасидан саратоннинг изини қуритадиган, яъни беморни бу балои дарддан гўёки бутунлай фориғ этадиган дорини яратишга эришилгани эътироф этилиб, уни сотиб олишни истовчилардан беморнинг қони намунасини "Йорктест" лабораториясига юборишлари сўралади. Бу дорини ўзини "онколог-профессор" деб таништирувчи Геннадий Бухман тавсия этади. Мўъжизакор дорининг қимматлигига (икки ярим минг АҚШ доллари) қарамай, юзлаб, ҳатто минглаб кишилар дорини сотиб олиш истагини билдирдилар. "Йорктест" лабораторияси мамлакатнинг турли бурчларидан юборилган қон намуналарига тўлиб-тошиб кетди.

Бу кўзбўямачилик ортида турган кимсаларнинг чўнтаклари қаппайгани сайин, саломатлик умидида алданаётган, ҳатто бунинг учун бор-будидан айрилаётган кишилар сони ҳам ортиб борарди. Кўп ўтмай, "АиФ"да бу кўзбўямачиликни фош этувчи мақола чоп этилди, унда нуфузли тиббиёт мутахассислари фикр билдириб, аҳолини бу фирибдан огоҳ этдилар. Энг ажабланарлиси, шундан сўнг ҳам бошқа марказий нашрларда сохта дорини ташвиқот қилиш давом этаверди. Тижоратмақолалар учун фирибгар доришунослар томонидан тўланган катта маблағ ушбу нашрлар мутасаддиларининг "кўнглини юмшатган" бўлса ажабмас. "АиФ" таҳририяти яқинда шу мавзудаги иккинчи мақолани чоп этди. Аслида бу дорини яратган инсон, тиббиёт фанлари доктори Нелли Кельмер вазиятга шундай изоҳ беради:

— Энг аввало шуни таъкидлашим жоизки, бу дори беморнинг аҳволини бирмунча яхшилаши, касалликнинг кечишини енгиллаштириши мумкин, лекин асло уни бутунлай даволамайди! Аслида тиббиёт тили билан айтганда у дори ҳам эмас, биококтейл деб аталади. Онколог-профессорлик даъвосини қилаётган Геннадий Бухман исмли кимсани ҳам шахсан танийман, аслида у энг бошланғич тиббий билимга ҳам эга эмас. У Исроилга кўчиб кетгунига қадар Россияда яшаган, қайсидир гарнизон клуби бошлиғи бўлиб ишлаган. Исроилга боргач эса у тезда фаолият соҳасини ўзгартириб, тиббиёт муассасаларида ўралашиб юрган. Мен у билан Исроилда, Муқобил тиббиёт клиникасида танишганман, у клиниканинг техник раҳбари бўлиб ишларди. Тез орада уни ўғирлик содир этгани ва фирибгарлиги учун ишдан ҳайдашди. Ўшандаёқ у мен яратган биококтейлни рецептини ўғирлаб, саратонга қарши восита сифатида пуллашни бошлаганди. Мен ўшанда суд орқали ўз ҳақ-ҳуқуқимни ҳимоя қилишга мажбур бўлгандим. Газеталарда ташвиқот қилинаётган гўёки саратонга қарши мўъжизакор гомеопатик восита эса аслида фирибгар Бухманнинг Баи-Ям шаҳридаги хонадонида аптекаларда эркин сотиладиган бир нечта дори-дармонлар ва менинг биококтейлимнинг ошхона шароитида яратилган сохта тузилмаси аралашмасидан иборат. Бу воситанинг бир миқдори учун уни тайёрловчи бор-йўғи 100 АҚШ доллари сарфлайди, бёморга эса 2,5 минг АҚШ долларига пуллайди. Фаҳмимча, "Йорктест" лабораториясининг ҳам улуши каттагина бўлса керак. Тўғрисини айтсам, Бухманнинг бундай пасткашлик қилаётганига ажабланмайман, чунки унинг "Биококтейлинг беморларни даволайдими-йўқми нима фарқи бор, уларнинг ҳаммаси барибир қирилиб битади. Биз эса бу орада ҳеч бўлмаса пул ишлаб оламиз-ку" деган мунофиқона сўзларини ўз қулоғим билан эшитганман... Қаердадир беморларнинг қони намунаси ва умидлари солинган хатжилдларнинг уюм-уюм ахлатга айланиб ётганини тасаввур қилиб кўринг-а. Бухман ва унинг "жамоаси" уларнинг ҳеч бирининг текширмай ташлаб юборади.

Айни кунларда эса Исроил Соғлиқни сақлаш вазирлигининг интернетдаги сайтида "Биогениус" фирмаси тавсия этаётган гўёки саратонни даволовчи дори воситаси ҳеч қандай тиббий самарага эга эмаслиги ҳақида огоҳлантирувчи маълумот жойлаштирилган.

Бу каби воқеаларга гувоҳ бўлгач, Яратгандан нафақат дарди бедаволардан, балки дард устига чипқон бўладиган фирибгар бухманлардан ҳам асрашини илтижо қилишдан ўзга чорамиз йўқ.

Хориж матбуоти асосида М.ҚОСИМОВА тайёрлади.

Томошага марҳамат!

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚИЙ ТЕАТРИНИНГ 65-ИЖОДИЙ МАВСУМИ АПРЕЛЬ ОЙИ РЕПЕРТУАРИ

6 апрель. У.Азим, Б.Лутфуллаев **"АЛПОМИШНИНГ ҚАЙТИШИ"**
7 апрель. Р.Маъдиев, Б.Лутфуллаев **"ТАҚДИР"**
8 апрель. Р.Маъдиев, Ф.Олимов **"БАХТЛИ БЎЛ, ДУГОНАЖОНИМ"**
9 апрель. Р.Маъдиев, Ф.Олимов **"БАХТЛИ БЎЛ, ДУГОНАЖОНИМ"**
10 апрель. Р.Маъдиев, Ф.Олимов **"БАХТЛИ БЎЛ, ДУГОНАЖОНИМ"**
11 апрель. Р.Маъдиев, Ф.Олимов **"БАХТЛИ БЎЛ, ДУГОНАЖОНИМ"**
12 апрель. **ДАМ ОЛИШ КУНИ**
13 апрель. Р.Маъдиев, Ф.Олимов **"БАХТЛИ БЎЛ, ДУГОНАЖОНИМ"**
14 апрель. Р.Маъдиев, Ф.Олимов **"БАХТЛИ БЎЛ, ДУГОНАЖОНИМ"**
15 апрель. Х.Хурсандов, Ф.Олимов **"ЎЛДИНГ, АЗИЗ БЎЛДИНГ"**
16 апрель. С.Имомов, Ф.Олимов **"СУПЕРҚАЙНОНА"**
17 апрель. С.Имомов, Ф.Олимов **"СУПЕРҚАЙНОНА"**
18 апрель. Н.Ҳошимов, А.Ҳошимов **"ДОДАГИНАМ"**
19 апрель. **ДАМ ОЛИШ КУНИ**
20 апрель. Н.Қобул, Ф.Олимов **"НА МАЛАКМАН, НА ФАРИШТА"**
21 апрель. К.Аваз, К.Комилов, Х.Азизов **"ДИЁНАТГА ХИЁНАТ"**
22 апрель. Н.Ҳошимов, А.Хошимов **"ДОДАГИНАМ"**
23 апрель. Н.Аббосхон, Ф.Олимов **"ЖАЙДАРИ КЕЛИН"**
24 апрель. Х.Хурсандов, Ф.Олимов **"ХОТИНИМНИНГ УЧ ШАЙДОСИ"**
25 апрель. Н.Ҳошимов, А.Ҳошимов **"ДОДАГИНАМ"**
26 апрель. **ДАМ ОЛИШ КУНИ**
27 апрель. С.Сирожиддинов, О.Абдуллаев **"ФАРИШТАЛИ АЁЛ"**
28 апрель. F.Ғулом, Н.Норхўжаев **"ҲАСАН КАЙФИЙ"**
29 апрель. Х.Даврон, Б.Лутфуллаев **"БОБУР СОҒИНЧИ"**
30 апрель. Р.Маъдиев, Ф.Олимов **"БАХТЛИ БЎЛ, ДУГОНАЖОНИМ"**

Театр маъмурияти томошабинларнинг таклиф ва истакларини эътиборга олган ҳолда репертуарга ўзгартиришлар киритиши мумкин.

Спектакллар соат 18.00 да бошланади.

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИЯСИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Яқин кунларда сиз учун кундалик майда-чуйда ишлар билан машғул бўлиш катта юмушларни бошлагандан кўра маъқулроқ.

СИГИР(22.04-20.05)
Анчадан бери кўришмаган таниш ёки қариндошингизни йўқлашни тавсия қиламиз. У инсон сизга яхши янгилик тайёрлаб қўйган.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Тушунмовчиликларга дуч келмай десангиз, дўстларингиз билан молиявий жиҳатдан ҳамкорлик қилмаслигингиз тавсия этилади.

КИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Шу кунларда сизга янги иш таклиф этишлари мумкин. Қарор қабул қилишда шошқалоқлик қилманг.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Ҳафта давомида содир бўладиган воқеалар сабаб оилангиз сиз учун қанчалик муҳим, қадрли эканлигига яна бир бор амин бўласиз.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Ҳафтанинг иккинчи ярмида амалга оширилган молиявий ишлар сизга айтарлик мувоффақият келтирмайди.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Ушбу ҳафтадаги иш юзасидан бўладиган музокаралар натижаси ижодий ҳамкорларингизга боғлиқ бўлиши мумкин.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Тўпланган муаммоларни ҳал этишдан ташқари яқинларингиз ва оила аъзоларингизга вақт ва эътибор ажритишни унутманг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Давралардаги суҳбатларда эҳтиётроқ бўлинг. Ҳар қандай ўйламай айтилган ножўя гап тушунмовчиликларга олиб келиши мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Баҳорий кайфият сизда унчалик сезилмайди. Шундай экан унга эриш учун ўзингизга ёқадиган юмушлар билан шуғулланинг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Шу кунларда янги танишлар орттиришингиз мумкин. Ҳафта давомида харидлар қилишни тавсия этилмайди.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Ҳафтанинг пайшанба ва жума кунларида молиявий масалаларни ҳал қилмаганингиз маъқул.

Сотилади: 3 хонали хонадон, 4 қаватли уйнинг 3-қаватида. Тошкент. Лисунов-2 мавзесида тел: 96 91 89

Тошкент шаҳар Миробод тумани ИИБ томонидан МАТОНАТ маҳалла фуқаролар йиғинига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

"Шифоман—шифо" МЧЖнинг думалоқ муҳри йўқолганлиги муносабати бекор ҳисобланади.

Утерянный аттестат OR-B 028598 выданный 1997/98 уч.году ср.шк. 259 Юнусабадского р-на на имя Хван Владислава Григорьевича считать недействительным.

Утерянный диплом ФВ 947983 выданный Ташкентским Фармацевтическим институтом в 1992 г. на имя Нарзуллаеву Туйчи Нафасовичу считать недействительным.

Утерянный студенческий билет 02Т065 выданный 30.10.2002 г. Ташкентским Университетом Информационных Технологий на имя Литенкова Андрея Алексеевича считать недействительным.

Тошкент шаҳридаги Й.Охунбобоев номли Республика тиббиёт билим юрти томонидан Бадалыметова Гулнора Худойбергановна номига 1993 йилда берилган CI-I 468014 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент шаҳри Сергели туманидаги "MAXSUS ANJOMLAR' масъулияти чекланган жамияти ёпилади. Даъволар эълон чиққан кундан 2 ой муддат давомида қабул қилинади. Тел: 532936.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ томонидан 2000 йили "YUNUSHO'JA" УМШига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабаб бекор ҳисобланади.

АО "DASTGOH-SOZLASH" (ОКПО 05599183) Чиланзарского р-на г.Ташкента реорганизуется в ЗАО"DASTGOH-SOZLASH". Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня опубликования объявления по адресу: ул.Катартал, 173-а. Тел:798303.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъноберди ҚУРБОНОВ, Абдулқодир ҲАЙИТМЕТОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93,
Тел/Факс: — 133-44-25,
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

9560 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-322 Топширилди — 21.00
1 2 3 4 5